

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
Компанияси” УК Фарғона вилояти
худудий бошқармаси

Р.Холикназаров

2022 йил

«

06/06/2017 06:00:00 AM (UTC-07:00) - 1172 次訪問

"ФАРГОНА ШАҲАР ЎРМОНЧИЛАР КСЗДА
ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОГИНИ ҚУРИШ" ОБЪЕКТИДА ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ИШЛАРИНИ
БАЖАРИШ БҮЙИЧА

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

2022 йил

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
Компанияси" УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объект номи: "Фарғона шаҳар Ўрмончилар КСЗда ичимлик суви тармогини қуриш"
объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1 179 833 139 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

**Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси**

**Жойлашган манзили-Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 143-үй,
телефон- 0-373-244-72-04**

**Молиялаштириш манбаси: Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув
тизимини ривожлантириш жамғармаси)**

Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни
бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги,
мутахассисларнинг етарли касбий ва техниковий малакага, машина-механизмларга, молиявий
имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли
тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Таасиулланган танлов хужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан
жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали www.etender.uzex.uz дан
юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи танлов хужжатларини маҳсус ахборот порталида эълон қилинган кундан
бошлаб, кабул қилишни охирги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ www.etender.uzex.uz маҳсус порталига электрон тарзда юклangan таклиф (оферталар) комиссия
томонидан кўриб чиқилади.

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши
бўйича инжиниринг Компанияси" УК Фарғона вилояти
худудий бошқармаси бошлиғи:**

R.Холиқназаров



ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси танловда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва қуйидаги обьект бўйича Танлов таклифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: "Фарғона шаҳар Ўрмончилар КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш" обьектида қурилиш монтаж ишларини бажариш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1 179 833 139 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – **60** кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Фарғона ҳудудий бошқармаси

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: **Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)**

Танловда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, танлов предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли техникалари бўлиши;

Молиявий холати:

Танлов предметига ўхшаш обьектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Куйидаги Танлов иштирокчиларига Танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодалангандек бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараённида бўлган ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар танлов иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиши ва танлов таклифини тузиш мақсадида, танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишлаб чиқиши топширигини тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қишишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг Танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошка шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиши электрон тизим орқали амалга оширилади.

БУЮРТМАЧИ РАҲБАРИ:



Нурсулан

3. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШШАРЛАРИ

3.1. Молиявий холати бўйича Танловда таклиф этиланган ташкилотлар бўйине иштирок этиши мөмкин. Буюртмачи ташкилотларни таъсир этиши мумкин.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - Танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган обьект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Танлов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган обьект бўйича Танлов ўтказилишини эълон қиласди.

1.2. Танловнинг тури – очик Танлов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Курилиш ишшлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Курилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Танлов хужжатлари элётрон тарзда берилган хужжатлар аосида кўриб чиқилади.

II. ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлов хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ва бошқа қонуности, норматив-хуқуқий хужжатларининг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Танлов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-Зшакллар. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлов предметига ўхшаш обьектларда етарли иш тажрибаси.

5-6 шакллар. Машина ва механизмлар рўйхати.

Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) обьектлари.

7-шакл. Курилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1 - илова. Лойиҳани бажариш буюртманомаси.

2 - илова. Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги.

3 - илова. Объект қурилишини молиялаштириш графиги.

4 - илова. Объектнинг жамланма жадвали, обьектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, обьект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: *Лойиҳанинг хусусиятига қараб техниковий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳуэжжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

Молиялаштириши манбаси, шартлари хамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур қурилиш ишлари бўйича Танловда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлов иштирокчиси Танловда иштирок этиш учун Танлов ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан Танлов таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Танлов иштирокчиси ўзининг Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Танлов комиссияси Танлов натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар (таклифлар) Танлов хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи Танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Танлов хужжатларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартеришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат Танлов хужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида беш кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Танлов иштирокчиси ёзма равища Танлов ташкилотчисига Танлов хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлов иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироуз учун асос бўла олмайди.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлов иштирокчилари Танлов ва лойиха-смета хужжатларини ўрганиб чиқишилари керак, Танлов иштирокчилари Танлов предметининг лойиха-смета хужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган хужжатлар оркали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиха-смета хужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни электрон порталга жойлаштиради.

5.2. Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, қурилиш монтаж ишларини тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат хисобланади.

VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Танловга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, Танлов иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлов иштирокчиси Танлов таклифини мазкур Танлов хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Танлов хужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Танлов иштирокчиси Танлов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини хисобга олиши лозим.

6.3. Танлов иштирокчиси ўз Танлов таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлов таклифлари, электрон нусхада ва танлов хужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган хужжатлар таркиби:

7.2.1.Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Курилиш Рейтинги.

7.2.3. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.(1-шакл). Шаклни тўлдиришда Иш стажи олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши, дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Доимий равишда ишловчи малакавий ишчилар мавжудлиги.

7.2.4. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи.3 ва 4-шакллар. Шакл Асосий воситаларнинг қолдик қиймати, Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги, Иш ҳақи фонди, Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти.

7.2.5. Танлов предметига ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Танлов иштирокчиси Танлов предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Танлов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар, бошқа асосий воситалар рўйхати (5-6 шакллар). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Танлов иштирокчиси лойиха-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.Иштирокчининг танлов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.

7.2.7.Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.(7-шакл)

7.2.9. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.10. Юқорида сўралган шакллар ва хужжатларга Танлов иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Танловда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Танлов ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайtариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайtарилади.

7.5. Танловда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайtарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, танлов таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўrсатилган муддатдан олдин қайtариб олган оферентга;

7.5.2. Танлов ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайtариб олганда ёки Танлов хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

VIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўrсатилган обьектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар Танлов иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўrсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Танлов иштирокчилар ишларни Танловда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Танлов иштирокчиси обьектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўrсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўrсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Танловда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

IX. ТАНЛОВ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлов таклифининг амал қилиш даври маҳсус ахборот порталида белгиланган муддат, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча хужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг хужжатлари, барча шакиллари электрон вариандада ҳар бир бети Танлов иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Танлов иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Танлов таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланниши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлов ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Танлов иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Танлов комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлиар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Танлов хужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлиар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Танлов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Танлов иштирокчisi Танлов таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

12.1. Танлов таклифлари қабул қилиш муддати тугангандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

13.1. Танлов иштирокчини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи хужжатлар ўрганилади.

13.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Танлов таклифларини сони камидан иккитани ташкил қилган холдагина таклифлар кўриб чиқилади.

13.4. Танлов комиссияси иштирокчиларнинг малака шакллари ва хужжатларни батафсил текширади, уларга асосланиб, Танлов иштирокчиларини малакавий кўрсаткичларини аниқлайди.

13.5. Танловда қуйидаги қатнашчилар қатнашиши мумкин эмас:

-Қайта ташкил етиш давридаги, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган, шунингдек, бирбирига тўғридан-тўғри хукуқий ёки молиявий боғлиқликлиги мавжуд бўлган, акциядорлик, молиявий катнашиш, холдинг шаклидаги ташкилотлар;

- Танлов эълон қилинган кундан камида олти ой олдин ташкил топган бўлса;
- Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида;
- Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида киритилган бўлса;
- Соликлар ва бошқа йифималар бўйича мавжуд қарзлар.

13.6. Танлов иштирокчиларининг таклифларини техник жихатдан баҳолаш 90 балл хисобидан баҳоланди

XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

14.1. Танлов таклифларини молиявий баҳолаш 10 балл хисобланади ва электрон тизим иштирокчиларни автомат баҳолайди.

14.2. Танлов таклифларини техник қисми танлов комиссияси томонидан 90 балл хисобидан баҳоланади ва молиявий баҳолаш 10 балл хисобидан электрон тизим томонидан автомат баҳоланди сўнг техник қисм ва молиявий қисмлардаги балларни инобатга олган холда тизим томонидан автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.3. Агар Танлов комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини Танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Танлов иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Танловдан четлатилади.

14.4. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

14.5. Танлов савдоларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, улар тушган кундан бошлаб 10 иш кундан ошмаслиги керак

14.6. Агар Танлов иштирокчиси томонидан тақдим етилган электрон ҳужжатлардаги маълумотлар ишончли емаслиги аниқланса, Танлов комиссияси бундай иштирокчини исталган босқичида Танловда қатнашишдан четлатишга ҳақлидир.

14.7. Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Танлов таклифларини баҳолаш ва Танлов ғолибини аниқлаш қуйидагиларга асосланади:

- Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар;
- таклиф этилаётган нархларнинг буюртмачи томонидан белгиланган Танлов предмети кийматидан юқори бўлмаслиги;

14.8. Агар энг паст нарх таклифини берган иштирокчининг тендер ҳужжатида белгиланган моддий ва жисмоний ишлар хажмининг етишмаслиги аниқланган бўлса, Танлов комиссияси мазкур иштирокчининг таклифини энг паст нарх сифатида қабул қилишга мажбур эмас.

14.9. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш билан боғлиқ барча маълумотлар маҳфийдир ва ошкор етилмайди.

14.10. Хатолар мавжуд бўлса, Танлов комиссияси таклифи рад этиш ёки Танлов савдоларини қайта кўриб чиқиш шартларини белгилаш хукуқига эга. Бу хақида Танлов қатнашчиси хабардор бўлиши керак.

14.11. Арифметик хатолар бўлган таклифлар, Танлов комиссияси томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тузатилиши керак. Иштирокчи Танлов комиссияси талабларига мувофиқ ўз таклифидаги хатоларни тузатишдан бош торса, бундай қатнашчининг таклифи рад етилади.

14.12. Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва талаблар асосида шартномани бажариш учун энг яхши таклиф этган Танлов иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

XV. ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Танлов ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва танлов баёни электрон шакилланади.

XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солигини ҳисобга олган ҳолда, Танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Танлов ғолиби мазкур Танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Танлов иштирокчисини Танлов ғолиби деб топиши ёки тақорий Танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Танлов ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Танловни қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Танлов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:
 - Танлов иштирокчилари таклиф этган нархлар Танлов предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;
 - Танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Танлов ўтказилмаган деб топилса.

17.2. Танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Танловнинг бирон-бир иштирокчиси (Танлов комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Танлов иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

17.3. Агар Танлов бўлиб ўтмаган деб топилса, тақорий Танлов ўтказилади. Бунда Танлов ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Танлов предмети бўйича ва Танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилояти худудий бошқармаси

2.	Объект номи:	"Фаргона шаҳар Ўрмончилар КСЗда ичимлиқ суви тармогини қуриш" объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш.
3.	Танлов тури:	<i>Oчиқ</i>
4.	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	www.etender.uzex.uz
5.	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати микдори:	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати микдори қурилиш монтаж ишлари бошланғич қийматидан 1 фоиз тизимнинг маҳсус хисоб ракамига ўтказилади.
7.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	www.etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали
8.	Танловда иштирок этишга қўйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<i>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Махаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари, Шартномани бажаришига зарур техникавий молиявий, моддий, кадирлар ресурслари хамда бошқа ресурслари мавжуд; ўзига нисбатан банкротлик тартиб таомили мавжуд эмас; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайтдо этилмаган лойиҳачи ташкилотларга рухсат берилади.</i>
9.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Etender.uzex.uz</i> маҳсус ахборот порталида белгиланади.
10.	танлов хужжатининг тили:	<i>Ўзбек тили</i>
11.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	КҚС сиз 1 025 941 860 сўм КҚС билан 1 179 833 139 сўм
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	60 кун
13.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Республика бюджети (сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириши жамгармаси)</i>
14.	Қурилишни молиялаштириш тартиби:	<i>Молиялаштириш шартлари: Манзиллий дастурда ажратилган лимитдан пурратчи ташкилотига жорий йил учун бўнак - 30 %; икки ойга тенг улишларда бўлган ҳолда, жорий молиялаштириши - бажарилган ишларнинг ҳажмидан 60% миқдорида.</i>
15.	Шартнома тили:	<i>Ўзбек тили</i>
16.	Шартнома валютаси:	<i>сўм.</i>
17.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувохнома нусхаси</i>
18.	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	<i>56 балл ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар</i>

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи _____

Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (Лойиха бош мухандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойихалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6
				Лойиха бош мухандиси	
				Лойихачилар	
				Сметчилар	
				Мухандис- техник ходимлар	
				бошқалар	

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “_____” 20 ____ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда иичи ходимлар учун ушибу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иши фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга кейинги ----- йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(Танлов иштирокчисининг номи)							
АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
Узок муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фонdlари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдик қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш хақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиги				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Охирги ----- йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятынни юзасидан суд иши олиб борилганми?

Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида
МАЪЛУМОТ

СТИ Р	Ташкил от тоифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
		Асосий воситала р қолдиқ (баланс) кимати Ф-1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициен ти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билинган таъминланганл ик коэффициенти (0,20) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390 - сат р	770 - сат р	490 - сат р		480 - сат р	570 - сат р	580 - сат р	130 - сат р	390 - сат р
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулий сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайланлигидан далолат беради.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{A2}}{\text{П2 - ДО}}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишилаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манбаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{(\text{П1} + \text{Дзк2}) - \text{A1}}{\text{A2}}, \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

муҳр

Сана: « ____ » 20 ____ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг охирги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хуносасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА
СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Махсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соғ тушум (Ф-2, 010- сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ҳодимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иши ҳақи ҳисобланган ҳодим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “____” ____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(боши ҳисобчи имзоси)

**ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Танлов иштирокчисининг номи)

т/р	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиши ва якунланиши санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__ й.	20__ й.	20__ й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “____” ____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан шартнома ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ, ИШЛАРГА ОИД
БОШҚА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
Машина ва механизмлари							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
Бошқа асосий воситалари (ишларни бажаришжа зарур бўладиган асосий воситалар)							
1							
2							
3							
4							
5							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20__ й.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА
(ЛОЙИХА ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси	Мавжуд оғис ва оргтехника номлари	Танловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (оилар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “____” ____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган қурилиши ишлари учун келгусида жалб этиладиган оргтехника сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КҮЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТҮӨРСИДА
МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, Мен _____
 (Ф.И.О, лавозими)

берилган ишончномага асосан қуидагиларни батафсил ўргандим:
 да

а) танлов хужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, хажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа холатлар хамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу холатларнинг борчаси ўз таклифимизда хисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўрисидаги маълумотлар объектни расимлари билан бирга порталга жойлаштирилади акс холда маълумотнома хисобга олинмайди

Қатнашчининг ваколатли вакили: _____
 (Ф.И.О)
 (имзо)

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ ____ ” ____ 202_ йил

(буюртмачининг номи)

ЛОЙИХАНИ БАЖАРИШ Б У Ю Р Т М А Н О М А С И

(объект номи)

1. Биз, қуида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов хужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган хужжатларга мувофиқ

(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиги билан)

сўмга айтилган барча ишларни (курилиш ишларининг камида 50 %ини ўз кучимиз билан) бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги дефектларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 10 (үн) кун ичида ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан _____ кун мобайнида уларни якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб _____
(рақам ва ёзув билан)

календар кун мобайнида амал қиласди.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юкланиши ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Танлов Танлов иштирокчисиларига жўнатилган _____ сон хабарномалар Биз томондан ҳисобга олинган.

8. Курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаймиз.

9. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

10. Шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини Курилиш вазирлигининг вилоят танлов савдоларини ўтказиш консалтинг марказига, белгиланган шаклда, ҳар ойнинг 2 санасига қадар, курилишни олиб боришни бутун даври давомида тақдим этиб бориш кафолатини берамиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20____ й.

ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

(объект номи)

Т/р	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1			
2			
3			
4			

Изоҳ: Жадвалда ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажарии муддатлари кўрсатилади. Қурилишининг умумий жадвали пудратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва қурилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб борииш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” 20____ й.

ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

(объект номи)

бўнак (аванс) тўлаш ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда

Молиялаштириш шартлари	Қурилиш йиллари _____ йил											
	Қурилиш ойлари											
	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
___ % ҳажмдаги бўнак												
___ % ҳажмда жорий молиялаштириш												
10 % фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.												

Кредит ёки ўз маблағларидан фойдаланиши – пурратчига ҳавола.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” _____ 20____ й.

ОБЪЕКТНИНГ ЖАМЛАНМА ЖАДВАЛИ

(объект номи)

(тандлов иштирокчиси номи)

Т/ р	Харажатлар номи	Жорий нархлардаги қиймати
1	Курилиш материаллари ва конструкциялари	
2	Жиҳозлар	
3	Машина ва механизмлар	
4	Иш хаки	
	Жами (ҚҚСсиз)	
	Бошқа харажатлар	
	ҚҚС	
	Жами ҚМИ қиймати	

Изоҳ: Мазкур жадвал буюртмачи ва тандловнинг ғолиб ташкилоти ўртасида тузиладиган шартнома учун қўлланилади.

**ОБЪЕКТДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ
РЎЙХАТИ**

(Ф-1-шакл)

Т/р	Меъёрлар раками шифри	Иш турлари	Ўлчов бир- лиги	Лойиха кўрсат- кичлари бўйича ишлари миқдори	Қиймати	
					Бир- ликка	Жами
	ЖАМИ:					

Изоҳ: Мазкур жадвалда тандлов иштирокчиси ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари учун таклифида ресурсларни акс эттиргасдан тақдим қиласди.

**ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИННИГ ШАРТНОМАВИЙ НАРХИННИ БЕЛГИЛАШДА
ИШЛАТИЛГАН АСОСИЙ НАРХ ШАКЛАНТИРУВЧИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ
НАРХЛАРИ**

Т/р	Компонент номи	Ўлчов бирлиги	Лойиха кўрсат- кичлари бўйича миқдори	Бирлик учун нарх	Жами
1.	Мехнат (иш кучи) харажатлари				
2.	Электроэнергия				
3.	Ёқилғи-мойлаш материаллари				
4.	Металл				
5.	Цемент				
6.	Кум				
7.	Йиғма темир-бетон маҳсулотлари				
8.	Ёғоч материаллари (пиломатериалы)				
9.	Фишт (и/ч заводлар)				
10.	Бошқа материаллар				
11.	Таваккалчилик коэффициенти				

Компонентлар сони чегараланмайды ва пудратчи томонидан таңлов предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб түлдирилади.

Бунда ҳар бир аниқ обьект бүйича компонентлар ва асосий қурилиши материаллари номенклатураси обьект қурилиши қийматини 100% ини ташкил қилувчи асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда таңланади.

Ташкилот раҳбари: _____

Бошлангич баҳоси 6000 БҲМача бўлган объектлар бўйича "Бальний метод" усулида Танлов тақлифларини техник баҳолаши мезонлари

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Танлов иштирокчилари		
			И	И	И
	I. Курилиш Рейтинги.(10 балл)				
1.	Рейтинг даражаси СС ва ундан юқори	10			
II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл (12 балл)					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	2			
2.	5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	2			
3.	Ишлаб-чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	2			
4	Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	2			
5	Ходимларнинг йиллик уртacha сони 5-10 киши(<i>иичи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охирги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади</i>)	2			
6	Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	2			
III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар (18 балл)					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп	3			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	3			
4	Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм	3			
5	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп	3			
6	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп	3			

IV. Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.**4-шакл (15 балл)**

1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади)	15			
----	--	----	--	--	--

V. Машина ва механизмлар рўйхати, 5-6 шакллар (20 балл)

1.	Курилишни бажариш учун зарур бўлган 1 та дан кам бўлмаган. Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади)	10			
2	танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа(курилиш шартномалари) обьектлари	5			
2.	Курилишни бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги	5			

VI. Қурилиш майдонини қўрганлик ва қурилиш обьектини ўргангандлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл.(10 балл)

1.	Курилиш майдонини қўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (рамлар асосида акс холда хисобга олинмайди)	5			
2.	Тавсиянома (вилоят (шахар) курилиш бўйича хоким ўринбосари ва курилиш бош бошқармалари билан келишилган холда)	5			

VII.Солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.(5 балл)

1.	Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	5			
----	--	---	--	--	--

VIII.Офёрта(10 балл)

1.	Ишлаб чиқилган Офёртани тасдиқланган холатда порталга жойлаш.(Оферент томонидан таклиф этилган нархнинг (ҚҚС билан) бошлангич нархдан (ҚҚС билан) баланд эмаслиги ҳамда 95 фоиздан паст бўлмаслиги керак)	10			
----	---	----	--	--	--

ТАНЛОВ
ХУЖЖАТИНИНГ
ТЕХНИК ҚИСМИ

"**Фаргона шаҳар Ўрмончилар КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш**" объектида
курилиш монтаж ишларини бажариш.
(ОБЪЕКТ НОМИ)

2022 йил.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БУЮРТМАЧИННИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи Танлов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):

бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, қурилиш ташкилоти жорий иилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида икки ойда тенг улушларда молиялаштириш;

жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 60 фоизи микдорида;

4.2. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.3. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуйидаги тартибот хужжатларига жавоб берishi керак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига.

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.

VI. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ (НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ) Пудрат шартномаси №

ФАРГОНА ШАХРИ

2022 йил “ ”

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси” УК Фаргона вилояти худудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишончнома асосида

бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари иккинчи томондан

объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми,

сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганилиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; **шартнома нархини бўлиб чиқиши** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан _____ объектида лойихада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида 2022 йил “ ” кунги -сонли электрон баён билан шакилланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда жорий нархларда _____ сўмни ташкил этади.Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда _____ сўмни, ажратилган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда _____ сўмни, ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тутатиб топшириш;-____-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуриш; Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-курилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;-курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;-курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, обьектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва обьектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қиласи ҳамда обьектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарылиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект маҳсус хисоб варагига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун хужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўtkазилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 73 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган холда аванс ўтказади, сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект маҳсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармонига асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равища ушлаб қолинишини ҳисобга олган холда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 90 фоизи микдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 10% қурилиш тугалланган обьект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида обьектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги хақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу хужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчini тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчini ишлаши учун жой билан таъминлади. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

24. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтингча улашни ва улаш нұқталарида янгидан құрылған коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
29. Пудратчи ўзи томонидан курилишда құлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида құрсатылған спецификацияларга, давлат стандартлариға, техник шартлариға мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилған бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг қўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталған қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиқлашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилғанлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилған ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.
34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тулаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, курилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан қўрсатылған жойга чиқарип ташлайди.
35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлған холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши, ўтказилған синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлик тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлған барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қўрсатылған камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX.Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

40. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичida топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;-лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

46. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида _1_ йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурилишназорат» органлари

томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи:-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

50. Пудратчи:ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, обьект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан обьектнинг Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги холларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Фазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга хисобланади хамда 2022 йил деқабргача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пуратчи”

“Бүйртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-үй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр:

СТИР: 305-987-080

OKOHX 42210

XP: 23 402 000 300 100 001 010

Хукукий хулоса.

Мазкур шартнома **Ўзбекистон Республикаси** Фуқаролик кодексига, «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида**»ги Конуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Пурратчи раҳбари шартномани имзолаш хукуқига эга эканлигини ва банқдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист_____